

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди
Раёсатига

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судьяси
Бобур Бобоевнинг 2014 йил 24 январда Зомин
тумани жиноят ишлари бўйича суди 2014 йил 15
январда чиқарган қарорни ўзгаришсиз қолдириш
тўғрисида чиқарган қароридан норози бўлиб, Зомин
тумани жиноят ишлари бўйича суди томонидан 2014
йил 15 январда хукуқбузар деб топилган Нурова
Намуна Низомовна томонидан

ШИКОЯТ

(Назорат тартибида)

2014 йил 10 январда Зомин туман ИИБ ходимлари жамоат жойларида ибодат либосида юрганлигимни иддао қилиб далолатнома расмийлаштириди.

2014 йил 15 январда № 00 сонли ишда жиноят ишлари бўйича Зомин туман суди Қ.Қозиев раислигида Зомин туман ички ишлар бўлимидан келиб тушган маъмурий ишни кўриб чиқиб, мени жамоат жойида ибодат либосида юрган ва натижада Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 184¹-моддасида назарда тутилган хукуқбузарликни содир этган деб топди.

2014 йил 24 январда № 02 сонли ишда жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судьяси Бобур Бобоев ишни кассация инстанциясида кўриб, жиноят ишлари бўйича Зомин туман суди 2014 йил 15 январда чиқарган қарорни ўзгаришсиз қолдирди.

Мен жиноят ишлари бўйича Жиззая вилояти судьяси Бобур Бобоевнинг қароридан ҳамда Зомин туман суди қарорининг мени хукуқбузар деб топган қисмидан қўйидаги сабабларга кўра норозиман.

1. Жиноят ишлари бўйича Зомин туман суди менинг ишимни ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда кўриб чиқмади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 3-моддасида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги каби тамойилларга асосланиши белгиланган. Мазкур Кодекснинг 269-моддасига биноан эса, маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифаларига ишни ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда кўриб чиқиш киради.

Суд мен кийган кийим нима сабабдан «ибодат либоси» ҳисобланишини хукукий жиҳатдан асослаб бермади. Кодекснинг 184¹-моддаси асосида маъмурий жавобгарликка тортиш учун суд «ибодат либоси» тушунчасига таъриф бериши ва менинг кийимим нима сабабдан «ибодат либоси» ҳисобланишини кўрсатиб бериши керак эди.

Суд тегишли эксперт ёки мутахассислар хulosасини эътиборга олиб қарор чиқариши лозим эди.

Юқоридаги сабабларга кўра, ушбу қарор асоссиз деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 321-моддасига асосан бекор қилиниши керак деб ҳисоблайман.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар бўйича қўмита жамоат жойларида ҳижоб билан юриш ҳақида фуқаролардан тушган саволларга, «Ислом шариатида «максус диний либос», «ибодат кийими» деган тушунча мавжуд эмас», «Диний қоидалар беркитишни талаб қилган аъзоларни ёпиб турувчи кийимни шахс барча ҳолатларда, жумладан ибодат пайтидан ҳам кийиши мумкин», деб тушунтириш берган.
3. Диний эътиқодга кўра кийиниши ҳар бир кишидаги мавжуд виждон эркинлигининг ажralmas қисмидир. Ҳижоб мусулмон аёллар учун номаҳрам эркаклар ҳузурида доимо кийиш лозим бўлган либос ҳисобланади¹. У фактат ибодат пайти кийиладиган кийим бўлмай, балки мусулмон аёл учун диний амалларнинг ажralmas бир қисмидир². Ислом дини қоидалари талаб қиладиган, аёллар учун номаҳрам эркаклардан тўсиш лозим бўлган аъзоларни ёпиб турувчи кийим кийиш менинг виждон эркинлигим, конституциявий хукуқимдир.
4. Виждон эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон худудида Конституция ва қонунларнинг сўзсиз тан олинишини мустаҳкамлайди. Қолаверса, Конституциянинг 16-моддаси бирорта ҳам қонун ёки норматив хужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслигини белгилаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳамда Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 323-моддасига асосан,

Сўрайман:

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди судьяси Бобур Бобоевнинг 2014 йил 24 январдаги қарорини бекор қилишингизни.

Илова:

1. Жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг 2014 йил 15 январдаги қарори;
2. Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди судьяси Бобур Бобоевнинг 2014 йил 24 январда чиқарган қарори;
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар бўйича қўмитанинг «ибодат либоси»га тушунтириш берган ҳолда менга йўллаган мактуби (агар шундай мактуб олган бўлсангиз).

¹ Ислом энциклопедияси. Зухриддин Ҳусниддинов таҳрири остида, Тошкент, 2004 йил.

² Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. www.islom.uz, Зикр аҳлидан сўранг.

<http://islom.uz/savollar/smf/index.php?topic=24693.0>

2014 йил 26 январь

Н. Нурова

(Имзо)